

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

330.115(043.3) ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
17-884 УНИВЕРСИТЕТИ

Кулёзма ҳуқуқида

УДК 330.115 : 65.050.1

ПУЛАТОВА Рана Халбаевна

**Жамғариш самарадорлигини
оширишни эконометрик моделлаштириш
(Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти мисолида)**

08.00.06 - «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2000

330.115(043.3)
П884

2

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг
Кибернетика институтида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори,
профессор И.О. Улашев

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори,
профессор Т.Ш.Шодиев

иқтисод фанлари номзоди,
доцент А.Т.Кенжабоев

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва
статистика вазирлиги қошидаги Макроиқтисодиёт
ва ижтимоий тадқиқотлар институти

Диссертация 2000 йил «31» май соат 14⁰⁰ да
Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги иқтисод
фанлари доктори илмий даражаси ҳимояси бўйича ихтисослашган
Д 067.06.01 кенгашда ҳимоя қилинади.

Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2000 йил «28» апрел да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий
котибаси, иқтисод фанлари доктори



М.С. Қосимова

ИЛМИЙ ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Бугунги кунда макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликка, самарали иқтисодий ўсишга эришилганлиги республикада амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий ислохотлар тўғри танланганидан далолат беради. Энг муҳими, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш мамлакатимиз олдида турган мақсадларга эришишнинг кучли, таъсирчан механизмини яратиш зарур. Мустақил юртимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг бош вазифаларидан бири макроиқтисодий барқарорликни сақлаб, ривожланишни янада жадаллаштиришдан иборат. Аини пайтда асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) таркибий ўзгаришларини таҳлил ва тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтага назардан мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида конъюнктуравий тебранишларни ҳисобга олиб, макроиқтисодиётдаги ЯИМнинг таркибий қисми ҳисобланган жамғариш жараёнини эконометрик таҳлил қилиш долзарб иқтисодий масалалар қаторига киради.

Жамғаришнинг номутаносиб тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг тўловга қобил бўлган талабдан узилишига, тармоқлараро номутаносиблик рўй беришига олиб келади, сўнгра хўжалик тизимида ишлаб чиқаришни тангликка олиб келадиган кескинликни туғдиради. Танглик ҳал этиладиган босқич такрор ишлаб чиқаришнинг кейинги йўлини белгилаб берадики, унда жорий ишлаб чиқариш жамғариш жараёни билан бевосита боғлиқдир.

Жамғариш жараёнини тадқиқ қилиш муаммоси ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўллариини белгилаш ва уни илмий асослашга имкон яратиб, мамлакат иқтисодиётининг моддий-техника базасини ривожлантиришда такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятини чамалаб, иқтисодий стратегияни олдиндан белгилаб бериш учун замин яратади.

Шунинг учун жамғариш жараёнидаги ўзгаришлар ҳозирда ҳам, келажакда ҳам иқтисодий ўсиш суръатлари ўзгаришининг муҳим омили бўлиб келган. Бу эса яна бир бор диссертация тадқиқоти мавзусининг нақадар долзарблигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейнс Ж.М., Столерю Л., Почс Р.Я., Эклунд К. каби етакчи хорижий иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бозор иқтисодиёти шаронтида ишлаб чиқаришда ЯИМ нинг тақсимланиши, истеъмол қилиш, жамғариш муаммолари ва уларни эконометрик моделлаштиришни фундаментал тадқиқ этишга

бағишланган. Бу соҳа ривожига МДХ мамлакатларидан Багриновский К.А., Гранберг А.Г., Дадаев В.С., Емельянов А.С., Моришима М., Черемных Ю.Н., Кучин Б.Л. каби таниқли олимлар муносиб улуш қўшмоқдалар. Ўзбекистонда Қобулов В.К., Ирматов М., Ўлмасов А.Ў., Шодиев Т.Ш., Абдуллаев О., Адхамов М., Насриддинов Ғ.Н. ва бошқа олимларнинг қатор илмий ишлари бу муаммолар тадқиқотига бағишланган. Ҳозирда бу мақсадда Ўзбекистонда кўплаб назарий ва амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Макроиктисодиёт ва ижтимоий тадқиқотлар институтида ўтиш даврида макроиктисодий таҳлилга катта эътибор қаратилган. Бироқ, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида жамғариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили ва унинг самарадорлигини ошириш муаммолари тўлиқ ёритилмаган. Шу маънода илмий иш моҳияти кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилишда жамғарма ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши орасидаги мутаносибликка қаратилади. Мазкур кўрсаткичлар орасида сабаб-оқибат муносабати иқтисодий-математик услублар асосида ўтказиладиган тадқиқотнинг бевосита объекти ҳисобланади. Бунда фойдаланиладиган эконометрик моделлар туркуми асосида жамғариш самарадорлигини оширишнинг имитацион тизими, алгоритми ва дастурини ишлаб чиқиш йўналиши таъминлиб, унинг асосида Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ўсишни таъминлайдиган таклифлар ёритилади. Олиб борилган илмий изланишлар ушбу муаммони ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий ишнинг мақсад ва вазифаси. Илмий ишнинг асосий мақсади бозор муносабатларини шакллантириш шароитида жамғариш самарадорлигини оширишнинг эконометрик моделларини саралаш, изчил бир бутун имитацион тизимга бирлаштириш, уни қўллаш алгоритмлари ҳамда дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланган ҳолда иқтисодий барқарор ўсишни таъминлайдиган таклифлар яратишдан иборат. Қўйилган мақсадга эришиш учун ***қуйидаги асосий вазифаларни*** ҳал этиш кўзда тутилган:

- жамғариш иқтисодий категориясининг моҳиятини ва бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида унга таъсир этувчи омиллар ва шарт-шароитларни тадқиқ қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида жамғариш жараёнини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- жамғариш жараёнини тартибга солиш йўллари тақомиллаштириш;

- жамғариш жараёнида конъюнктуравий тебранишларни вужудга

келтирувчи жараёнлар (мультипликация, акселерация, талаб, таклиф) ва уларнинг эконометрик моделларини тадқиқ қилиш;

- жамғариш самарадорлигини оширишнинг сараланган эконометрик моделларини изчил бирлаштирган имитацион тизим, таркибини асослаш ва уни ишлаб чиқиш;

- жамғариш самарадорлигини оширишнинг имитацион тизимини қўллаш алгоритми ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда уни ахборотлар билан таъминлаш масалаларини ечиш;

- жамғариш самарадорлигини оширишнинг имитацион тизим ечимларини экспериментал тарзда синаш, унинг асосида Ўзбекистон иқтисодиётида жамғаришнинг самарадорлигини оширишни эконометрик таҳлил қилиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлайдиган таклифлар яратиш.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни ўзаро боғлиқликда ҳал этиш Ўзбекистон иқтисодиётида жамғариш самарадорлигини оширишда бир қатор масалалар мажмуаси ечимини ўз ичига қамраб олиш имконини беради, жумладан жамғариш омилларини таҳлил қилиш, ЯИМ ўзгаришини аниқлаш, конъюнктуравий тебранишлар механизмини кузатиш, жамғариш конъюктурасини тартибга солиш, жамғариш оптимал меъёрини экстремал масалалар ечиш ёрдамида аниқлаш.

Тадқиқот объекти ва унинг моҳияти. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилади. «Республика-тармок» икки поғонали тизимини бошқариш ва жамғаришни тартибга солиш жараёни тадқиқотлар моҳиятидир.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик негизини Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш, эконометрик моделлаштириш, тармоқлараро баланс, истиқболни баҳолаш, мақсадли комплекс дастурлар тузиш, макроиқтисодий жараёнларни тартибга солиш юзасидан хорижий ҳамда Ўзбекистон олимлари олиб борган илмий ишлар ташкил этади.

Назарий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг умумлашган маълумотлар таҳлилига ва хорижий мамлакатлар амалиётидаги маълумотларга асосланган. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, натижаларни таққослаш, истиқболни баҳолаш ва иқтисодий жараёнларни моделлаштиришнинг оптималлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- бозор муносабатларини шакллантириш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётида жамғариш жараёнини янгича усул ёрдамида таҳлил қилиш;

- бозор муносабатларига ўтиш шароитида жамғариш самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини миллий иқтисодиёт хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

- жамғариш самарадорлигини оширишнинг эконометрик моделларини саралаб, изчил бирлаштирган бир бутун имитацион тизим ишлаб чиқиш;

- жамғариш самарадорлигини оширишнинг имитацион тизим алгоритмлари ва дастурий воситаларини амалда қўллаш;

- имитацион тизим ечимларини экспериментал тарзда синаш, мақбул ечимлар асосида Ўзбекистон иқтисодиётида жамғариш самарадорлигини ошириш масаласини эконометрик таҳлил қилиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлайдиган таклифлар яратиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти иқтисодий тизимларни бошқаришда вужудга келган муаммоларнинг асосий сабабларини, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши, даромадларнинг нотўғри тақсимланиши ва шу кабиларнинг туб сабабларини очиб бериб, республикамизда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иқтисодий стратегиянинг мақбул йўналишларини танлаб олинишини таъминлайди. Шунингдек тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда хорижий инвестицияларни тармоқларга жалб этишда катта аҳамият касб этади.

Асосий натижаларни синондан ўтказиш ва татбиқ этиш.

Диссертация тадқиқотининг илмий натижалари истиқболни баҳолаш ахборот-мулоқот тизими таркибида Ўзбекистон Республикасининг Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида жорий этилган. Синов натижалари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган тизим иқтисодиётни бошқаришда илмий асосланган қарорлар қабул қилиш учун муҳим ва ишончли восита бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг асосий натижалари «Бошқарув тизими ва ахборотга ишлов беришни интеллектуаллаштириш» мавзuidaги халқаро конференцияда (Тошкент, 1994 й.), «Алгоритмлаштиришнинг замонавий муаммолари» мавзuidaги Республика Илмий конференциясида (Тошкент, 1996 й.), «XXI аср кадрларини тайёрлашда долзарб муаммолар» мавзuidaги халқаро илмий конференцияда (Бишкек, 1999 й.) ва «Кибернетика» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасининг Кибернетика институти лабораторияларининг бирлашган илмий семинарида, Тошкент

давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат техника университети, Фарғона давлат университети кафедраларининг илмий семинарларида муҳокамадан ўтган.

Нашр қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича нашр қилинган илмий ишлар ҳажми 2.8 босма табоқда бўлган 5 та илмий мақола ва 3 та тезисдан иборатдир.

Ишнинг тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади, қўйилган вазифалар, тадқиқот объекти ва унинг моҳияти, эришилган натижаларнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, диссертация бобларининг қисқача мазмуни берилган.

Биринчи боб - **«Жамғариш самарадорлигини оширишдаги макроиқтисодий муаммолар»** деб номланади. Унда шу соҳада бугунги кундаги мавжуд аҳвол ва унинг ўзига хос жиҳатлари иқтисодий таҳлил қилинган, жамғариш самарадорлигини ошириш муаммолари ва вазифалари очиб берилган ҳамда шулар асосида ушбу жараёнда ҳисобланма, таҳлил қилиш, истиқболни баҳолаш ва такомиллаштириш йўналишлари тақлиф қилинган.

Иккинчи боб - **«Жамғариш самарадорлигини оширишнинг имитацион тизимини ишлаб чиқиш»** деб номланган бўлиб, у ишлаб чиқилган имитацион тизим таркиби, тузилмаси ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, конъюнктура талабларини ҳисобга олган ҳолда жамғариш самарадорлиги истиқболини баҳолаш, тартибга солишнинг такомиллаштирилган тизими, умумлашган алгоритмининг баён қилишга бағишланган.

Учинчи боб - **«Жамғариш самарадорлигини оширишга доир имитацион тизимини амалда қўллаш»** деб номланади. Бобда ишлаб чиқилган автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимини амалда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган, жамғариш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш вариантларини эконометрик таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Хулоса ва тақлифларда тадқиқот натижаларидан мантиқан келиб чиқадиган назарий ва амалий тусдаги асосий хулосалар, тақлифлар баён қилинган.

Иловада аниқ натижалар ва компьютердаги ҳисоб-китоблар алгоритми ҳамда ўтказилган тадқиқотнинг ахборот базаси ўз аксини топган.

Ишнинг асосий мазмуни

Иқтисодий ва ишлаб чиқаришнинг ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири жамғариш фаолиятини ривожлантириш ва унинг иқтисодий ўсишини таъминловчи янги механизм ишлаб чиқаришдан иборат. Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш, энг аввало, сармоя маблағларини ўзлаштириш ва замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган янги замонавий ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтириш асосида таъминланади.

Ишлаб чиқариш натижасини соф моддий маҳсулот ифода этади. У моддий жиҳатдан олганда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат бўлиб, зарурий ва қўшимча маҳсулотларнинг асосий қисмини ўз ичига олади.

Ҳар йилги ЯИМ тармоқлар бўйича тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида истеъмол ва жамғариш фондларига бўлинади. Жамғариш фонди ишлаб чиқаришни кенгайтириш фонди, ижтимоий захиралар ва сугурта эҳтиёжлари фонди, маданий-маиший объектлар, капитал қурилиш фондига бўлинади.

Жамғариш ҳажмини белгиловчи омиллар ва ҳолатлардан бири меҳнат, сармоя ва табиий ресурслардир. Ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш, фан ва техниканинг узлуксиз ривожланиб бориши, шунингдек, амортизация фондидан жамғариш ҳамда сармоя тўпланиши, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл инвестициялари жамғаришнинг қўшимча омиллари сифатида майдонга чиқади.

Маблағ сарфлашнинг кенгайиши ишлаб чиқариш омиллари тарзида (сармоя ва меҳнат каби) жалб қилинган ресурслардан янада самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишни келтириб чиқариши мумкин. Бунда меҳнатга қўйилма ҳажми аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига ҳам ортади. Сармоя эса инвестициялар ёрдамида ортиб боради.

Жамғаришнинг ўсиши саноати тараққий этган мамлакатларда моддий ҳаёт даражасини оширишдаги муҳим омилдир. Шу маънода ҳозирги фаровонлик сезиларли даражада кечати инвестициялар натижасидир, ўз навбатида бугунги инвестициялар келгусида ишлаб чиқаришни ўстириш ва янада юқори фаровонликка эришиш йўлида қўйилган пойдевордир. Инвестициялар ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳам зарурдир. Инвестициялар ҳўжалик юритишнинг умумий самарадорлигига ва келажакда ўсиш имкониятларига, шунингдек, бандлик ва даромадларга тез ва бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, агар ишлаб чиқаришда инвестициялар ҳажми камайса, ишсизлик ортади,

умумий даромад қисқаради. Оқибатда товарлар ва хизматларга бўлган талаб ҳам қисқаради. Шунинг учун инвестиция жараёнларидаги тебранишлар ҳозирда ҳам, келажакда ҳам ўсиш суръатларини ўзгартиришнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади.

Диссертант солиштирма таҳлилга катта аҳамият бериб, энг ривожланган АҚШ, Олмония, Япония, Франция, Швеция, Англия каби хорижий мамлакатлар тажрибаси мисолида жамғариш самарадорлигини ошириш муаммолари ва вазифаларига катта эътибор қаратган. Ўз иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишга киришган Ўзбекистон иқтисодиётини Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий аҳволи билан ҳам таққослаган.

Жамғаришлар даражасининг ўта беқарорлиги таъкидлаб ўтилиши лозим бўлган қўйидаги муҳим вазиятларни ўз ичига олади. Агарда тегишли макроиқтисодий сиёсат олиб борилмаса, у тўла бандликни таъминлаш ва пулнинг кадрсизланишини юзага келтириш учун зарур бўлган айнан шундай ҳажмдаги инвестицияларни кафолатлай олмайди. Жами инвестициялар ёки пулни сарфлаш жараёнида юзага келувчи кучларни эркин тадбиркорлик тизими тартибга сола олмайди. Бунинг учун фискал (солиқлар ва давлат харажатлари) ва пул кредит соҳасида (Марказий банк фаолияти) эҳтиёткор ва оқилона сиёсатни олиб бориш лозим.

Маълумки, умуман тартибга солилмаган соф ҳолдаги бозор ҳеч-бир мамлакатда мавжуд эмас. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида давлатнинг аралашуви, ташқи самараларнинг тан олинган тартибга солиш ва даромадларнинг оқилона тақсимланишини ҳисобга олмоқ керак. Барқарорлаштириш сиёсатининг асосий қондаси мавжуд бўлиб, унинг мақсади иқтисодиётдаги тебранишларни бартараф этишдир. Бунинг учун солиқларни камайтириш, харажатларни қисқартириш ёки ишсизликка қарши фонизларни камайтириш ёрдамида миллий маҳсулотга бўлган жами талабни ошириш, харажатларни қисқартириш ёки конъюнктура ва инфляцияга қарши фонизларни ошириш керак. Ўзбекистондаги нисбатан барқарор, кўп укладли иқтисодиётга эришишда институционал ва тизимли ўзгаришларнинг бош ислохотчиси ва ташаббускори бўлган давлатнинг оқилона сиёсати асосий ролни ўйнамоқда. Иқтисодиётни барқарорлаштириш авваламбор инқирозли ҳолларни бартараф этишга йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар жараёндир.

Муаллиф эътиборни танглик ҳолатларни бартараф этиш, яъни республика иқтисодиёти аҳволининг барометри ҳисобланган

кўрсаткичларни яхшилашга қаратиш эмас, балки мамлақатни тангликка олиб келадиган ички сабабларни чуқур ўрганиш, юзага келган камчилик ва номуносибликка ўз вақтида эътибор қаратиш, танглик ҳолатларининг юзага келишини олдини олиш чораларини фаол қўллаш лозимлигини таъкидлайди. Айниқса истеъмолнинг ўсишига йўл бермай, аксинча, инвестицияни рағбатлантириш, шунингдек, тўлов мувозанатини шундай даражада яхшилаш лозимки, якуний самара ишлаб чиқаришга, кейинчалик эса секин-аста бандликка ижобий таъсир этиши керак.

Диссертацияда бозор иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таяниб, давлат иқтисодий аҳволини белгиловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар таърифининг Миллий ҳисоб тизими (МХТ) орқали ифодаланишига алоҳида тўхталиб ўтилади. Тадқиқот давомида жамғариш динамикасини макроиқтисодий тартибга солишни такомиллаштириш муаммосининг замонавий ҳолати, ушбу жараёнда ҳисобланма, таҳлил қилиш, истиқболни баҳолашни янада такомиллаштириш йўл-йўриқлари қараб чиқилган. Ана шу йўл-йўриқлардан бири - мавжуд вазиятга мос бўлгани, инновация жараёнини ривожлантиришга йўналтирилган жамғариш самарадорлигини оширишнинг янги шакл ва усулларини, жумладан, янги ахборот технологияси ва телекоммуникацион тизимлар асосида илмий асосланган истиқбол ечимларини қабул қилишни жорий этиш зарурияти аниқланиб, жамғариш самарадорлигини оширишнинг имитацион тизими ишлаб чиқилган.

Тақлидий тизим икки поғонада («макроиқтисодиёт-тармоқлар») ва икки босқичда («балансли ҳолатда – оптимал ҳолатда») кўриб чиқилган ва жаҳон тажрибасида қўлланилган услуб ва моделлар тадқиқот объектига мос ҳолда қайта ишлаб чиқилган.

Тизим таркибига куйидагилар киради: ишлаб чиқариш функцияси, маҳсулот ва асосий фондлар баланси, якуний маҳсулот таркибий элементларининг айрим боғлиқлиги, ишлаб чиқариш фондларининг вазифаси ва шу кабилар. Муаллиф моделдан узоқ ва қисқа муддатли истиқбол башоратини баҳолашда фойдаланди.

Тадқиқотда ишлаб чиқариш функцияси асосида динамик мувозанат шартлари белгиланиб, давлатнинг тартибга солишга боғлиқ иқтисодий сиёсатига доир тақлифларни ифодалашга ҳаракат қилинди. Ташқи тузатиш чоралари хусусий иқтисодиётни давлат сиёсати билан тўлдиришга ёки унинг таъсир доирасини чегаралашга эмас, балки эркин рақобат қонуларининг амал қилишига ҳалал берувчи тўсиқларни олиб ташлашга йўналтирилиши лозим. Бунинг учун фозни тартиблаш меъёри

ва иш ҳақи оширилишини чеклашга доир тегишли пул-кредит сиёсати зарур. Шу тариқа, ишлаб чиқариш даромади тақсимотининг доимийлиги, ўсишнинг барқарор суръати ҳисобланади.


Жамғариш самарадорлигини оширишга қаратилган имитацион тизимни ишлаб чиқишда энг юқори поғонани ишлаб чиқариш функциялари асосидаги ягона секторли тараққиёт модели ташкил этди. Ушбу моделларда мамлакат иқтисодиёти бир тармоқ сифатида кўриб чиқилиб, кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришнинг кўпгина томонларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, тегишли тарзда у билан боғлиқ бевосита ва билвосита алоқалар мажмуини таҳлил қилиш имконини беради. Тартиблаш тизими барқарорлаштириш тадбирлари билан амалга оширилади. Бу жамғаришнинг инструментал ва негиз кўрсаткичларини аниқлайди, муҳимликни баҳолайди, тартиблаш чегараси ва даражасини, шунингдек, улар ўртасидаги нисбатни аниқлайди.

Макроиктисодий истиқболни баҳолашда оптималлаштириш моделига оптималлик мезони сифатида балансланган ўсишда бир ишчига тўғри келувчи истеъмол даражаси қабул қилинади. Иккинчи поғонада иқтисодиётнинг асосий тармоқларини умумлаштириб, учта йирик тармоққа келтирилган ҳолда кўрсаткичлар табақалаштирилган тармоқлараро баланс динамик модели қўлланилади. Имитацион тизим моделларининг ўзаро боғлиқлик тузилмаси 1-чизмада кўрсатилган. Чизмада киришдан чиқишгача узатиладиган ушбу кўрсаткичлар гуруҳидан блоклараро маълумотлар билан алмашиш кўрсатилган.

Бу тизим олдин ишлаб чиқилганларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Тизим балансли ва оптимал характерга эга. Иқтисодиётни катта миқёсда тартиблашнинг тузилган барча моделларида бозор иқтисодиётининг иштирокчилари икки гуруҳга: 1) истеъмолчиларга; 2) ишлаб чиқарувчиларга бўлиниши кўзда тутилади.

1-блокда Солоу модели бўйича ишлаб чиқилган маҳсулотнинг мувозанат даражасини аниқлаш амалдаги жамғаришларнинг «режалаштирилган» инвестицияси микдорига мувофиқ келади. Агар бу бузилса, унинг мувозанат қийматига тенг қарама-қарши ҳолатга эга бўлиш лозим. Ушбу модел асосида ва уни аниқлаштиришнинг кўп сонли деталлаштирилишида юқориди қайд этиб ўтилган, у ёки бу омиллар ва макроиктисодий тизимни барқарорлаштириш механизмига таъсир этиш учун давлат молия-кредит сиёсатининг ҳар хил тадбирлари тузилади.

Бу орада ўзгарувчан ҳадлар сифатида қуйидагилар қабул қилинган: Y_t - ишлаб чиқилган ялпи ички маҳсулот, C_t - истеъмол, I_t - инвестициялар, L_t - меҳнат ресурслари, K_t - асосий ишлаб чиқариш



1-чизма. Жамғариш самарадорлигини оширишдаги таклиф этилаётган имитацион тизим тузилмаси

фондлари, e' - илмий-техник тараққиёт (ИТТ) таъсири, бунда e - натурал сон.

Диссертацияда K_t ва L_t ресурсларидан тўлиқ фойдаланилиб, ИТТнинг таъсири эса циклик тебранишларнинг юзга келиши мумкин бўлган ҳажми сифатида кўриб чиқилади деб ҳисобланади. Ишлаб чиқилган ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, бошқа бир қисми эса аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга йўналтирилади. Шу сабабли $Y_t = f(K_t, L_t, e')$ да қуйидаги формула маъқулдир:

$$Y_t = C_t + I_t = (1 - s_t)Y_t + s_t Y_t, \quad (1)$$

бу ерда s_t - жамғариш меъёри.

Ишлаб чиқариш жамғаришининг меъёри фақат иқтисодий фикрлар билангина аниқланмайди. У шунингдек, қатор ижтимоий ва иқтисодий омилларга ҳам боғлиқ бўлади. 2-блокда жамғариш меъёрини оптималлаштириш амалга оширилади. Ушбу муаммо харажатларни ҳисоблаш ва оптимал режадаги натижаларни энг муҳим қисми ҳисобланади, яъни

$$s_t = \frac{I_t}{Y_t}. \quad (2)$$

Диссертацияда модел ёрдамида жамғариш меъёрининг доимий ва ўзгарувчан оптимал қиймати тадқиқ этилди. Балансланган ўсиш учун моделда «жамғаришнинг олтин қондаси» қонунини ҳисобга олган ҳолда тизим тараққиётининг оптимал нукталари аниқланади. Истеъмолга лаёқатлилиқ циклик тебранишларга олиб келади, чунки истеъмол вазифаси даромадга боғлиқ бўлади.

Тизим мувозанатда бўладиган солиштирма истеъмолниң максимал даражасини (\hat{c}) «жамғаришнинг олтин қондаси» тенгламасидан белгилаш мақсадга мувофиқдир:

$$\hat{c}_t = f(\hat{k}_t) - s_t f(\hat{k}_t) = f(\hat{k}_t) - (\mu_t - \eta_t) \hat{k}_t,$$

бу ерда $f(\hat{k}_t)$ - солиштирма ялпи ички маҳсулот; μ_t - амортизация меъёри; η_t - меҳнат ўсишининг экспоненциал суръати; k_t - капитал билан таъминланганлик даражаси.

3-блокда диссертант Л. Столерюнинг конъюнктуравий цикллар моделидан фойдаланди. Бунда истеъмол қилиш ва жамғариш динамикасини ўрганиш учун мультипликатор таъсири ёрдамида тенгламаларнинг қуйидаги тизими қаралади:

$$\begin{cases} C_t = a + (1-s_t)Y_t, \\ I_t = s_t Y_t - a, \end{cases} \quad (3)$$

бу ерда a - регрессия тенгласидаги ўзгармас сон.

Макроиктисодий циклик тебранишлар механизми назарияси асосида мультипликатор ва акселератор ҳаракати бирлиги бекарор ўсишга олиб келади. Шу тангликни бартараф қилиш мақсадида моделда иккита боғлиқлик, яъни:

$$1) \text{ инвестициянинг ялпи ички маҳсулотга боғлиқлиги: } Y_t = \frac{k}{s_t} (Y_{t-1} - Y_{t-2}),$$

$$2) \text{ инвестициянинг капиталга боғлиқлиги: } s_t Y_t = [(1-\beta)s_t + \alpha] Y_{t-1} + \alpha Y_{t-2} = \beta a$$

ҳисобга олинади.

Ушбу тенгламалар иккинчи тартибли тенгламалар системасига келтирилиб ечилди. Натижада тебранишлар даражаси анча силлиқланади. 4-блокда давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати ёрдамида кам тараққий этган соҳаларни ривожлантиришга ҳаракат қилинади, иқтисодий механизмнинг ажралмас қисмини ўзида акс эттирадиган қатор барқарорлаштиригичлар эътиборга олинади. Жамғариш механизмини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган маҳсулотни ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омилларини миллий иқтисодиётдаги тебранишларни бартараф этиш ёки уни зарарсизлантириш мақсадида таҳлил ва тахмин қилишни қуйидаги ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида амалга ошириш таклиф этилди:

$$Y_t = f(H_t, U_t, C_t, E_t), \quad (4)$$

бунда H_t - даромад солиғи, U_t - иш ҳақининг ўсиш даражаси, C_t - жами талаб, E_t - бошқа ноаниқ омиллар.

Ялпи ички маҳсулотни тартибга солиш омиллари таъсирини баҳолаш учун кўп омилли регрессион таҳлил усулидан фойдаланилди.

5- блокда тармоқлараро мувозанатда Фон-Нейманнинг магистрал теоремаси моҳияти орқали истиқболни баҳолаш даврида жамланган капитал маблағни максимизациялаш масаласи кўп ўлчамли дастурлаш усули орқали ечилди.

Масаланинг мақсад функцияси $\overline{PBX}(T) \rightarrow \max$, чегаравий шартлари

$$\begin{cases} X(t) \geq \bar{A} X(t) + B[X(t+1) - X(t)], & t = 0, 1, \dots, T \\ X(t) \geq 0, & t = 0, 1, \dots, T \end{cases} \quad (5)$$

$$\begin{cases} X(t) \geq 0, & t = 0, 1, \dots, T \end{cases} \quad (6)$$

бу ерда $X(t)$ - ишлаб чиқариш вектори, $t = 0, 1, \dots, T$, $(n \times 1)$; \bar{A} - харажатлар матрицаси, $(n \times n)$; B - сармоя матрицаси, $(n \times n)$; \bar{P} - сўнги даврда баҳоланган захиралар вектори, $(1 \times n)$. Натижада ишлаб

чиқаришнинг ўсиш суръати (q^*) куйидагича ҳисобланади:

$$q^* = P^* \left(I - A \right) X^* / P^* B X^* . \quad (7)$$

Бу масала икки томонлама топшириқ ечими сифатида кўрилиб, оптимал жамғариш чегара ичида жойлашади. Лекин чегаранинг ўзида эмас.

Тадқиқот давомида яратилган тизимнинг умумлашган алгоритми ва блок схемаси ҳам ўз аксини топган. Жамғариш самарадорлигини оширишнинг имитацион тизими истиқболни баҳолаш тадқиқотлари учун ишончли ва самарали восита сифатида таклиф этилиб, амалий жиҳатдан қўллашнинг муҳим жиҳатлари, жумладан, унинг ахборот таъминоти, жамғариш ва унга таъсир этувчи омиллар макроектисодий истиқболни баҳолаш ҳамда тизимнинг иқтисодий самарадорлиги масаласи кўриб чиқилган. Танланган топшириқни мулоқот йўли билан ҳал этиш тартиби 5 та дастурдан иборат бўлиб, фойдаланувчиларга қисқа вақт ичида осонлик билан зарур жавобни олиш имконини беради ва бу қарор қабул қилишнинг тезкорлигини оширади. Бундан ташқари, фойдаланувчи натижаларни экранда кўриши, чиқариши ва ҳал қилинаётган топшириқларнинг турли вариантларини ёки унинг айрим қисмларини танлаши, топшириқни ҳал этишнинг боришига фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Айни пайтда мулоқот режими компьютер ресурсларини тежашни ва бу ҳисоблаш техникасидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширади.

Яратилган имитацион тизимни амалиётда қўллаш куйидаги натижаларга олиб келди:

1. 1-блокга доир истиқболни аниқлашнинг ечимлари:

$Y_i = f(K_i, L_i, e^i)$ - ишлаб чиқариш функцияси орқали куйидаги регрессион боғланишлар ёрдамида аниқланади:

$$Y_i = 186,0 + 1,0216K_i + 0,1933L_i; R = 0,982; F = 13,24; E(\%) = 1,3;$$

$$Y_i = 328,9 \cdot K_i^{0,801} \cdot L_i^{0,284}; R = 0,997; F = 35,96; E(\%) = 1,2.$$

Танланган чизикли ва кўрсаткичли боғланишда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши истиқболни баҳолашда яхши натижа берди. Ҳисобланган статистик кўрсаткичлар динамикаси бунга далил бўла олади.

2. 2-блокга нисбатан жамғариш меъёрига бўлган энг юқори мойиллик $0,2 < s < 0,4$ ораликда бўлади.

3. 3-блокда капитал сарфлаш кўрсаткичлари $3 < k < 6$ бўлади.

4. 4-блокга доир оптимал ечим куйидаги тенгламалар асосида аниқланиб, ялпи ички маҳсулот истиқболли ечимлари 1-жадвалда берилган:

$$Y_t = 38,56 + 0,001065 \cdot H_t + 0,005131 \cdot U_{\sigma} + 0,8279 \cdot C_{\sigma};$$

$$R = 0,997; F = 147,5; E(\%) = 0,63;$$

$$Y_t = 64,33 \cdot H_t^{-0,91705} \cdot U_{\sigma}^{0,93391} \cdot C_{\sigma}^{1,006}; R = 0,983; F = 8464,71; E(\%) = 1,81.$$

1-жадвал

*Эконометрик моделлар тизими ёрдамида республика иқтисодиётидаги ялпи ички маҳсулот ўсиш истиқболли (1999 йилга нисбатан фонд ҳисобида)**

Боғланиш тури	1999й	2000й	2001й	2002й	2003й
Чизикли	100	108,9	118,4	121,8	133,5
Кўрсаткичли	100	110,4	115,4	136,3	134,3

*Манба: автор томонидан ҳисобланган.

5. 5-блокга доир ечим 2-жадвалда келтирилган бўлиб, сармоя ва ҳаражатларнинг берилган матрица даражалари кўриб чиқилаётган давр мобайнида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини кўрсатади.

2-жадвал

*Жамғариланишнинг магистрал модели асосида ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг тармоқлараро тузилишида ўсиш суръатининг оптимал истиқболли баҳолаш натижалари**

Кўрсаткичлар номлавиши	Йил-лар	КўРСАТКИЧЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ					
		Асосий ўртача миқдор	Ўсиш суръати (%)	Минимал миқдори	Ўсиш суръати (%)	Максимал миқдори	Ўсиш суръати (%)
1. Истеъмол оқими коэффициентли (CC)		0,7409		0,5309		0,9696	
Ишлаб чиқариш ҳажми (X) (млн. сўм)	1	76688,8	11,7	83180,89	20,58	25215,20	-63,45
	2	84957,0	10,78	101730,52	22,30	24675,23	-2,14
	3	94278,2	10,97	124676,21	22,56	24185,59	-1,98
	4	106140,4	12,58	155091,54	24,40	24071,56	-0,47
	5	115447,7	16,45	173479,89	32,99	28541,52	15,19
2. Сармоялар кўрсаткичи коэффициентли (BB)		3,8461		3,7411		4,0501	
Ишлаб чиқариш ҳажми (X) (млн. сўм)	1	76688,8	11,7	76766,79	11,28	405204,64	487,37
	2	84957,0	10,78	85090,63	10,84	305812,33	-24,53
	3	94278,2	10,97	94381,15	10,92	340215,07	11,25
	4	106140,4	12,58	105845,39	12,15	380772,06	11,92
	5	115447,7	16,45	115128,14	16,56	312367,39	-17,96

*Манба: Экстернал масалани ечишда иқтисодиётнинг 7 та тармоғини агрегациялаш орқали 3 та умумий тармоқ ҳолатига келтирилиб ҳисобланган 5 хил вариант асосида автор томонидан тузилган.

Истеъмол оқими маълум даражада ишлаб чиқаришга тесқари пропорционал бўлиб, сармоя эса маълум даражада тўғри пропорционал бўлади. Бу минимал миқдорлар устунда кўзга ташланади. Демак, доимий иқтисодий ўсишга эришиш учун истеъмол ва жамғаришни тартибга солиб туриш керак. Самарали вариантда бу икки кўрсаткич ўта юқори бўлмаслиги лозим, яъни асосий ўртача ва минимал миқдорларга яқин бўлиши зарур. Максимал миқдор ўсиш суръатини пасайтиради. Шунинг учун иқтисодий ўсишда ва самарадорликни оширишда жамғаришнинг оптимал вариантини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, жамғариш ва унга таъсир этувчи омилларнинг натижавий вариантларини автоматлаштирилган мулоқот тарзида шакллантиришнинг имитацион тизими иқтисодиётда муайян даражада фойдалидир.

Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидаги *асосий хулоса ва тақлифлари* бериш мумкин:

1. Ўзбекистон иқтисодиётида тақрор ишлаб чиқаришни оптималлаш муаммоси иқтисодий ўсиш омиллари ва манбаларини белгилаш заруратидан иборатдир. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётга қилинаётган ялпи инвестициялар билан белгиланади ҳамда ички инвестициялаш имкониятлари қанча кўп бўлса, иқтисодий ўсиш суръатлари ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча юқори бўлади. Бир йилда 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ЯИМнинг камида 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизни ташкил этиши керак.

2. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири жамғариш фаолиятини ривожлантириш ва унинг иқтисодий ўсишини таъминловчи янги механизм ишлаб чиқаришдан иборат деб белгиланган. Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш, энг аввало, сармоя маблағларини ўзлаштириш ва замонавий технологик усқуналар билан жиҳозланган янги замонавий ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтириш асосида таъминланади.

Ўзбекистонга хос ўтиш даврида жамғариш жараёни жуда мураккаб кўринишда, узоқ муддатли меъёрий тебранишларга эга бўлди. Шу жараёнда юз берадиган тангликни бартараф этишда давлатнинг макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсати муҳимлиги илмий асосланди. Олиб борилган таҳлил ва тадқиқот натижасида жамғариш самарадорлигини оширишнинг оптимал йўли инновацион ишланмаларни жорий этиш орқали такомиллаштирилди.

3. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шаронтида жамғариш самарадорлигини оширишни тизим шаклида қараш зарурлиги борасида эконометрик моделлар сараланиб, бир бутун икки босқичли имитацион

тизимга келтирилди. Тизимнинг биринчи босқичини республика иқтисодиёти ягона тармоқ сифатида қаралган иқтисодий ўсиш модели ташкил этди. Шу туфайли ишлаб чиқариш функцияси асосида, динамик мувозанат шартларини белгилашга ва давлат иқтисодиётни барқарорлаштиришга боғлиқ сиёсати тавсифига эга бўлган таклифларни ифодалашга ҳаракат қилинди. Натижада эса, ялпи ички маҳсулот тақсимотининг донмийлиги иқтисодий ўсишнинг барқарор суръати шартги эканлиги аниқланди.

4. Маълумки иқтисодий қўшимча ўсиш суръати билан аҳоли ўсиши орасида мутаносиблик бўлмоғи зарур. Бу «жамғаришнинг олтин қондаси» деб аталади. Аммо бу қонда тенг мувозанатли иқтисодиётда қўлланилади. Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри тадбиқ қилиш мумкин эмас. Лекин баъзи бир натижаларни олишда қўллаш мумкин. Жамғариш меъёри доимий бўлганда тизим траекторияси стационарликка интилади, унинг ўсиш суръати аҳоли ўсиш суръатига тенг бўлиб, иқтисодиёт таназзул ва ишсизлик белгиларини истисно этувчи барқарор мувозанат ҳолатида бўлади. Тартиблаш кўрсаткичи сифатида битта «қўшимча меҳнат» ҳиссасига тўғри келадиган асосий сармоя ҳажмини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5. Иқтисодий ўсишда беқарорлик ҳолатини юмшатиш мақсадида, биринчидан, инвестициянинг ялпи ички маҳсулотга боғлиқлиги, иккинчидан, инвестициянинг сармоёга боғлиқлиги кузатилди. Бу кўрсаткичлар нисбатларининг ўзгариши орқали жамғариш жараёни тартибга солинди. Ишлаб чиқариш функцияси асосида давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати ёрдамида кам тараққий этган ҳолатларни юмшатишга ҳаракат қилинди, иқтисодий механизмнинг ажралмас қисмини ўзида акс эттирадиган қатор барқарорлаштиригичлар эътиборга олинди. Жамғариш механизмини ҳисобга олган ҳолда ялпи ички маҳсулотни ҳамда унга таъсир этувчи омилларни миллий иқтисодиётдаги тебранишларни бартараф этиш ёки уни зарарлантириш мақсадида таҳлил қилиш ва истиқболни баҳолашни $Y_t = f(H, J, C, E_t)$ ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида амалга ошириш таклиф этилди.

6. Таклиф этилаётган тизимнинг иккинчи поғонасида тармоқлараро мувозанатга эришишнинг Фон-Нейман магистрал теоремаси моҳияти орқали истиқболни баҳолаш даврида жамланган капитал маблағни максимизациялаш масаласи кўп ўлчамли дастурлаш орқали ечилди. Натижада ушбу модел асосида мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ўсишини тавсифловчи бир қатор кўрсаткичлар ҳисобланди. Тармоқлар кўрсаткичларининг йиғиндиси Республика иқтисодиётининг ишлаб

чиқариш ҳажмини белгилайди.

7. Жамғариш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқилган имитацион тизимнинг умумлашган алгоритми ва блок схемаси ўз аксини топган ва у миллий иқтисодиётнинг эконометрик изланишларида ишончли ва самарали восита сифатида тақлиф этилди. Ушбу тизимни ишончли ахборот билан таъминлаш моделлар тузилмасининг сифати, уларни ишлаб чиқиш тезлиги ва амалиётда қўлланиш даражасининг юқорилиги билан олдиндан аниқланадиган таҳлилий ва тахминий тадқиқотлар учун самарали воситалар мажмуасини ташкил этиш имконини берди.

8. Ўтказилган кўп вариантли ҳисоб-китоблар ва олинган натижалар таҳлили диссертацияда тақлиф этилган усуллар тўғри танланганлигини тасдиқлайди, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг самарали вариантларини аниқлаш ва уларни асослаб беришга имкон яратди. Булар куйидагилардир:

- ялпи ички маҳсулот ҳажмига таъсир кўрсатадиган омиллар маҳсулот ўсиши билан фойдаланилган ресурслар ўртасида узвий боғлиқлик ўрнатади;

- иқтисодий ўсиш меъёрида бўлиши учун солиқларни шу даражада белгилаш лозимки, бунда зарур бўлган даврларда кишиларни кўпроқ ишлашга мажбур этишга имкон яратилсин;

- ишлаб чиқариш инвестицияларига оид даромадлар оптимал турдаги маблағ сарфлаш харажатларидан юқори бўлиши лозим;

- мамлакат маҳсулот ишлаб чиқарувчи алоҳида тармоқлардан тузилган бўлиб, унинг иқтисодиёти эса сарфланадиган ва якуний маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳамда турли тезликда қўлланиши мумкин бўлган бир марта давом этадиган ишлаб чиқариш жараёнларининг якуний жамламаси сифатида майдонга чиқади;

- йўл қўйилиши мумкин бўлган барча жадаллик траекториялари ва нархлардан фақат стационар траектория танлаб олиниши ва магистрал модел ёрдамида мувозанат ҳолат аниқланиши лозим.

9. Имитацион тизимни синов тарзида қўллаб, қабул қилинган ечимларни амалда жорий этиш мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланди. Шу йўл билан имитацион тизим асосида Ўзбекистон иқтисодиётида жамғариш самарадорлигини ошириш масаласини эконометрик йўллар билан ўрганишга илк бор қадам қўйилди.

10. Республикамиз иқтисодиётида юқори суръатдаги ялпи ички маҳсулотга эга бўлиш учун ўтказилган тадқиқот натижалари асосида

куйидаги таклифларни баён этиш мумкин:

а) аҳолидан олинадиган даромад солиғи даражаси ва ялпи ички маҳсулотга бўлган жаъми бозор талаби барқарор бўлган ҳолатда оладиган даромад миқдори анча юқори бўлишига эришилади;

б) даромад миқдори барқарор бўлганда аҳолидан олинадиган даромад солиғи даражаси ўртача бўлиб, ялпи ички маҳсулотга бўлган жаъми талаб юқори бўлиши кутилади;

в) истеъмолга ёки жамғаришга мойиллик циклик тебранишларга олиб келиши мумкин, барқарорлаштириш сиёсати эса вазиятларни энгиллаштириш имконини беради. Барқарорликни ривожлантириш учун жамғариш меъёрини 0,2-0,4 ораликда бўлишига риоя қилиш талаб этилади;

г) ҳар қандай мустақил давлатда иқтисодиётга қилинаётган барча ялпи инвестициялар асосини ички инвестициялар ташкил этиши сабабли, ички инвестициялаш имкониятлари қанча кўп бўлса, иқтисодий ўсиш суръатлари ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Диссертация мавзуси бўйича куйидаги илмий мақолалар chop этилган:

1. Анализ и прогноз динамики национального дохода с учетом конъюнктурных колебаний. //Тез. док. международной конференции “Интеллектуализация систем управления и обработки информации”. -Т.; 1994. - с.48.

2. Анализ, прогноз и регулирование динамики национального дохода с учетом конъюнктурных колебаний. //Воп. моделирования и информатизации экономики. -Т., 1995.-Вып.11.-с.31-39, (ҳаммуаллиф).

3. Прогнозирование темпов роста и отраслевой структуры национальной экономики на основе магистральной модели накопления с учетом равновесных цен. //Тез. док. республиканской научной конференции “Современные проблемы алгоритмизации”.-Т.; 1996. -с. 285.

4. Методика разработки имитационной системы с учетом нестабильности роста. //Воп. моделирования и информатизация экономики. - Т., 1997. - Вып 14. - с. 29-37.

5. Иқтисодий юксалиш даврида жамғариш жараёни. Иқтисод ва ҳисобот. -Т. 1997 йил 3-сон, 29-31 бетлар.

6. Сармоя жамғарилиш динамикасини макроиқтисодий тартибга солиш тизими. //Бозор, пул ва кредит. - Т. 1998 йил 6-сон, 10- 11 б.

7. Имитационная система макроэкономического регулирования динамики накопления.//Тез.док. Международной научной конференции «Актуальные проблемы подготовки кадров XXI века».-Бишкек;1999. - с. 226.

8.Прогнозирование оптимальной траектории роста национальной экономики на основе магистральной модели накопления.//Воп. моделирования и информатизации экономики.- Т., 1999.- Вып.18.- с. 70-74.

*Краткое содержание диссертации Пулатовой Р.Х. на тему:
«Эконометрическое моделирование повышения эффективности
накопления» (на примере экономики Республики Узбекистан).*

Рыночное регулирование экономики сопряжено с большой и зачастую неоправданной дифференцией доходов, которые зависят не только от вложения труда, капитала и поведения производителя, но также от стечения обстоятельств и конъюнктурных колебаний. В этих случаях экономическое развитие зачастую идет волнообразно, в виде так называемых циклов, то есть наблюдается сменяющие друг друга фазы более быстрого и медленного роста национальной экономики. Все эти проблемы тесно связаны с процессом накопления. Целью диссертации является разработка имитационной системы накопления, включающей экономико-математические модели и методы, алгоритмы и программное обеспечение для повышения эффективности накопления в годы стабилизации и перехода к рынку.

Реализация поставленной цели определяет следующий состав задач, подлежащих решению:

- анализ тенденции и факторов накопления в экономике Узбекистана;
- изучение проблем, задач и путей совершенствования процессов анализа, прогноза и регулирования динамики накопления с учетом конъюнктурных колебаний;
- разработка имитационной системы повышения эффективности накопления с помощью эконометрических моделей;
- разработка обобщенного моделирующего алгоритма системы;
- исследование информационных аспектов имитационной системы макроэкономического регулирования повышения эффективности накопления;
- эконометрический анализ и оценка вариантов макроэкономических прогнозов повышения эффективности накопления и его факторов, а также выработка предложений по обеспечению стабильного роста экономике.

Научные результаты проведенного исследования показали, что применение имитационной системы повышения эффективности накопления выявляет основные причины нестабильности роста: спад производства, инвестиционный кризис, неправильная дифференциация доходов и другие. Разработанная имитационная система обеспечить эффективность общественного производства и рациональные пути выбора экономической стратегии в республике.

Результаты апробации показали, что разработанная система служит важным и надежным инструментом для принятия научно обоснованных решений в управлении экономикой.

*Dissertation Summary by R. H. Pulatova
on "Economic Design to Increase the Effectiveness of Savings»
(based on the example of the Republic of Uzbekistan economy)*

Market regulation of the economy is related to the large and unreasonable income differentiation, which depends not only on the input of labour and capital and manufacturer performance, but also on the circumstances and market fluctuations. In such cases, economic development also fluctuates along so-called cycles, i.e. in consequent faster and slower phases of economic growth. All these issues are connected to the saving process. This dissertation objective is to develop a simulative savings system, including mathematics and economic models and methods, algorithms and software, which is aimed to increase effectiveness of savings during the stabilization period and transfer to the market economy.

Realisation of the stated objective calls for the following issues to be solved:

- analysis of savings tendency and factors in the economy of Uzbekistan;
- study of the problem, goal and ways to improve the process of savings dynamics analysis, forecast and regulation, taking into account market fluctuations;
- development of imitative system to increase savings effectiveness with the help of econometric models;
- development of consolidated modeling system algorithm;
- research on the information aspects of the simulative system for macroeconomic regulation to increase saving effectiveness;
- econometric analysis and evaluation of macroeconomic forecast options in order to increase savings effectiveness and its factors, and to recommend the ways to ensure the stable growth of economy.

Scientific results of the undertaken research showed that application of the simulative system to increase savings effectiveness uncovers basic of unstable growth: production volume decrease, investment crisis, wrong income differentiation, and other. The developed simulation system will ensure the effectiveness of public production and choice of national ways for the economic strategy of the Republic.

Approbation results showed that the developed system is an important and reliable tool for making scientifically-reasoned management decisions in economy.

Қозғоз бичими	1,5 б.т.
Босишга рухсат этилди	13.03.2000 й.
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	089

ТДИУ басмахонасида "RISO" нусха кўпайтириш қурилмасида
чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон шожуҳаси, 49 уй